

Шоядки, такводор бўлсаларингиз

Йигирма учинчи кисм

«Уларга: «Олдингиздаги нарсадан ва ортингиздаги нарсадан кўркинг. Шояд, раҳм килинсангиз», дейилганда». *(Йаасийн сураси, 45-оят)*

«Ўшанда у кавмига: «Такво килмайсизми?!» *(Соффаат сураси, 124-оят)*

Аллох томонидан Пайгамбар килиб юборилган Илёс алайхиссалом, бошка пайгамбарлар каби, кавмларини таквога, Аллохнинг ибодатига чакирдилар.

«Ўшанда у кавмига: «Такво килмайсизми?!» – деди.

Илёс алайхиссалом кавмларини такводор бўлишга чакирдилар. Шунингдек, кавмларининг Аллохга ширк келтириб, «Баъл» номли санамга сигинишларини инкор этдилар.

«Йўк! Биз иймон келтириб, солих амаллар килганларни ер юзида бузгунчилик килувчилар каби килармидик?! Йўк! Биз такводорларни фожирлар каби килармидик?!» *(Сод сураси, 28-оят)*

«Биз такводорларни фожирлар каби килармидик?!»

Улар билан булар айри-айри муомала кўрадилар. Такводорлар такволарига яраша охиратда жаннатнинг олий даражаларига эришадилар. Фожирлар дўзахнинг энг каърига тушиб, анвойи азоблар билан азобланадилар.

Мўминлар ва кофирларга бир хилда муносабатда бўлиш Аллох таолонинг хикматига ҳам, адолатига ҳам тўғри келмайди. Итоаткор, такводор банда мукофотланиши, осий, фожир банда жазоланиши керак. Бунинг учун эса охират, киёмат, хисоб-китоб бўлиши зарур. Чунки ҳамма такводор ҳам ўзига яраша мукофотни бу дунёда тўлик олмайди. Адолат

Муаллиф:

03.08.2013 18:11 - Янгиланди 30.06.2017 23:25

тўла юзага чиқиши учун охират керак. Охиратда эса юкорида зикр этилганидек, хар кимга ўзига яраша муомала қилинади.

«Сен (Менинг тарафимдан): «Эй, иймон келтирган бандаларим! Роббингизга такво килинг. Бу дунёда гўзал амал қилганларга гўзаллик бордир. Аллохнинг ери кенгдир. Албатта, сабр қилгувчиларга ажрлари ҳисобсиз, тўлик берилур», деб айт». (Зумар сураси, 10-оят)

Мўмин кишининг иймони унинг такводор бўлишини такозо этади. Таквосиз мўмин бўлиши тасаввурга сигмайди. Чунки иймон билан такво бир-бирига боғлиқдир. Иймон ҳам, такво ҳам инсон қалбида бўлади. Иймон Аллохга ишониш ва Унинг айтганига юришдир. Такво эса доимо Аллохни ҳис қилиб туриш ва Унинг амрларини бажаришдир.
«Эй, иймон келтирган бандаларим! Роббингизга такво килинг.»

«Улар учун тепаларидан ҳам оловдан «соябонлар» бор, остларидан ҳам оловдан «соябонлар» бор. Бу билан Аллох Ўз бандаларини кўрқитур. «Эй бандаларим, Менга такво қилинлар!» (Зумар сураси, 16-оят)

«Лекин Роббиларига такво қилганлар учун болохоналар устидан болохоналар бино қилинандир. Остларидан анхорлар оқиб турур. Аллохнинг ваъдаси – шу! Аллох ваъдага ҳилоф қилмас». (Зумар сураси, 20-оят)

Яъни такводор бандалар учун жаннатда олий маком – баланд-баланд хоналар бино қилинандир. Устма-уст, яна ҳам олий маком, яна ҳам баланд хоналар бино этилгандир. Уларнинг

«Остларидан анхорлар оқиб турур».

Ўша олий маком, устма-уст қурилган биноларнинг остидан сувлар оқиб туради. Такводор бандалар учун берилган:

«Аллохнинг ваъдаси – шу! Аллох ваъдага ҳилоф қилмас».

«Ахир қиёмат куни золимларга, қасб қилиб юрган нарсангизни тотиб кўринг, дейилганида ёмон азобдан юзи ила сакланадиган одам (мўмин ила тенг бўлармиди)?!» (Зумар сураси, 24-оят)

«Арабча Куръонни эгриликсиз қилиб (туширдикки), шоядки, такво қилсалар». (Зумар сураси, 28-оят)

Шоядки такводор бўлсаларингиз (Йигирма учинчи кисм)

Муаллиф:

03.08.2013 18:11 - Янгиланди 30.06.2017 23:25

Араб тилида тушган ушбу Куръонда ҳеч бир эгрилик, хато, нотўғрилик йўқдир. У ўзига якин бўлган кишининг такводор бўлишини таъминлайди.

Ё Аллоҳ, олдилари ва ортларидаги нарсалардан кўркадиган бандаларингдан бўлайлик.
«Биз такводорларни фожирлар каби килармидик?!» дединг, ваъданг ҳақдир.

Аллоҳ, Сен бизларни такво килишга, гўзал амаллар килишга ва сабр килишга буюрдинг,
эшитдик ва итоат килдик деймиз.

Бандаларингни «**Такво килинг!**» деб кўркитадиган оловдан бўлган соябонлардан бизни
асрагин.

Бизларга такводорларга аталган жаннатдаги болахоналар ва анхорларни насиб
айлагин.

Ё Робб, юзларимизни ёмон азобдан сакла!

Эгриликсиз килиб туширилган Куръон хидоятдан барчамизни бахраманд айла!